

## БУ ДАРГОҲДА МЕҲР КҮРДИК

Бу ердагилар нафақат умргузаронлик қилади, балки ўз соғлиқларини ҳам тиклаб боради. Улар доимо тиббиёт ходимларининг назоратида. Бу ерда ўнга яқин олий маълумотли врач ва 30 нафар ҳамшира хизмат қилади.

3-бет

## ЎТТИЗ УЧ ОЙ ЭГИЛГАН ҲАҚИҚАТ

Тан олиб кўя қолайлик: Халил Эшқувватовнинг иродасига қойил қолмай илож йўқ. У ўз ҳақ-хуқуқи тикланишига эришиш учун ролпа-роса ўттиз уч ой курашди. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

4-бет

## МУДҲИШ ХОТИРАЛАР

Тўғриси айтсам, мен ҳам, Алиқ ҳам Ўткирнинг чизган чизигидан чиқолмаймиз. Сен-ку сен, мен ҳам Ўткирнинг ким эканлигини, қаердан келган, оиласи борми ё йўқми, билмайман. Унинг чангалига тушганимга анча йил бўлиб қолди.

6-бет

## Ҳожибой Тожибоев: ОФИЗГА КЕЛГАННИ АЙТИБ БЎЛМАЙДИ

Санъаткор фантазияга бой бўлиб, икки кўзи ва қулоғи доим халқда бўлиши зарур. Санъаткорнинг вазифаси уларни саралаб халққа етказишдир.

8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 21  
(336)

YURIDIK GAZETA

May						
D.	31	3	10	17	24	
S.		4	11	18	25	
Ch.		5	12	19	26	✓
P.		6	13	20	27	
J.		7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29	
Y.	2	9	16	23	30	
2004						

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

### TADBIR

#### ТИНГЛОВЧИЛАР ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида «2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ижросини таъминлашда прокурор назорати самардорлигини ошириш масалалари» мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Машғулотларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар ҳамда туман (шаҳар) прокурорларининг ёрдамчилари таклиф этилган.

Тингловчилар Олий Мажлисида ҳам бўлиб, парламент фаолияти билан танишдилар. Куни кеча эса улар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида бўлишди. Конституциявий суд раиси М. Абдусаломов машғулот иштирокчиларига Конституциявий суднинг фаолияти, унинг прокуратура органлари билан ҳамкорлик масалалари ҳақида гапириб берди.



А. Тўраев олган сурат

Бегубор кўзгуларинг  
оламини тўтсин!

### ISTIQBOL O'YLARI

«Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўнча ва бетақор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улғу мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқимиз». Бу сўзларни эшитиб қалбингни ғурур туйғуси қамраб олади. Ўтмиш, бугун ва келажакни яна бир бор идрок этасан. Елканда улкан ва шарафли вазифа борлигини теранроқ англай бошлайсан.

ёшлар келажакимиз таянчи эканини кўп таъкидлайди. Чунки ҳар хил экстремистик оқимларнинг тузоғига тушаётганларнинг аксарияти носоголом муҳитда тарбия топган, маърифатдан йироқ, ҳатто ўрта мактабдаги таълимни ҳам ёлчитмаган ёшлардир. Улар Ватан қадрини, эл-юрт дардини тушунишга ожиз. Уларнинг идрокини лўч гоё ва оғамиз фикрлар билан тўдириш осон.

## НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чакриқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги «Эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни войронга, халқимизни қулга айлантirmoқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл» деган даввати хануз ёдимизда. Қалбимизда шу сўзларга ҳамоҳанг бир фикр кечади: «Эй инсон, гофил бўлма! Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида юз берган ноҳуш воқеа эртага бизни четлаб ўтади дея ўйлама. Бизни худдининг ўзи асради. Қабیحиятлик кўчларнинг зарбаси мустақиллигимизга, бирдамлигимизга, фаровон ҳаётимизга, ўғил-қизларимизнинг бахт-саодатига қаратилганини англаб етдингми? Ҳаммамиз ҳам-фиқр бўлиб азиз дёйрбинининг равнақи учун куйиб-ёнсаққина ривож топамиз. Қўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз».

«Давлат хизматида юрганлар»

дан савлат тўкиб ўтириш, мендан кетгунча — эгасига етгунча деб юз бераётган ҳодисаларга тамошабин бўлишни эмас, аввало, халқ манфаати, юртимиз тинчлиги ва осоийшталлигини сақлаш учун куйиб-ёниб яшашни, бу курашнинг олдинги сафинда бўлишни талаб қилишга ҳокимимиз», — дейди Президентимиз. Бу фикрларни бепарво эшитиш мумкинми? Юртимиз келажакга, халқимизнинг тақдирига лоқайд қараб бўладими? Мансабдоримисан, зейлимисан, шу тупроқ, шу ризик насибга ҳаққи, зимманга юклатилган бурчни ҳар қандай ҳолатда ҳам сидқиқилган бажаришини шарт. Шу қайфият, шу рух вужуд-вужудимизга сингсагина Ватанимиз мустақиллиги янада мустаҳкам бўлади. Маънавий қашшоқ, ўз халқига хиёнат қилган ёки шунинг пайида бўлган кимсаларнинг ҳаётида ўрни бўлмайди. Бундайлар Ватанни, керак бўлса, ёруғ оламини тарк этишга мажбур бўлади.

Юртбошимиз соғлом фикрли

«Ҳар қандай тажовузнинг олдини олиш, унинг мафкуравий заминини йўқотиш аввало ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда», — дейди юртбошимиз.

Ешларимизнинг ўз заминини эъозлашлари зарурлигини уларнинг қон-қонига сингдириб боришимиз керак. Бунинг учун уларнинг ҳаётига яқинроқ кириб боришимиз, кўнглига йўл топишимиз, ҳаётида ўрнини тополмай жамият эътиборидан четда қолган ўсимларда ўз кўчига ишонч руҳини оширмоғимиз лозим.

Ҳар бир зейли, ўзини ватанпарвар деб билган ҳар бир киши мактабларда, олий ўқув юртиларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда юртбошимизнинг нутқини муҳокама қилиб, ҳар бир фуқарога етказса, жойларда соғлом муҳитни вужудга келтирса, хавфсизлик масаласи юзасидан қўзлаган мақсадга эришмоғимиз шубҳасиздир. Чунки эзгу гоё инсонни порлоқ истиқбол сари етаклайди.

(Давоми 2-бетда).

### SAYLOVLAR OLDIDAN

## БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар юртимизнинг келажакни кўзлаб қилинмоқда. Мустақиллик қўлга киритилган давлардан бери қанча-қанча ислохотлар ўтказилди. Юртимизда демократияни янада ривожлантириш, ҳўқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш олий ҳокимият органи — парламентни ҳам ислох қилишни тақозо этади. Президентимиз иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида икки палатали парламента ўтиш таклифини билдирганида бундан қўзланган бош мақсад худудий вакилликни жорий этиш эканлигини тўлатўқис асослаб берган эди. Юқори палата — сенат таркиби вилоят, шаҳар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлардан иборат бўлади. Бунинг маъноси шўқи, фуқаролар сенат аъзоларини тўғридан-тўғри сайламайдилар. Сенат аъзолари биринчи навбатда вилоят, шаҳар ёки туман маҳаллий кенгашига депутат сифатида сайланади. Сўнг ҳар бир вилоятдан тенг миқдорда депутатлар сенат аъзолигига сайланади. Юқори палата давлат фаолиятининг барча соҳаларига тенг кўз билан қараб, халқ манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши лозим.

Ўзбекистон раҳбарининг кадрларга оид қарорларини мустаҳкамлайдиган орган сифатида сенат мазкур қарорлар бўйича Президент билан масъулиятни бўлишди. Бундан ташқари сенатнинг асосий вазифаларидан бири маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифодалашдан ва қўйи палата тақдим этган қонунни маъқуллаш ёки рад этишдан иборат бўлади.

Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг (янги тахрирда) 4-моддасига биноан қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар. Улар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳўқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси худудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатта сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Энди бунда, ҳўш, 2004 йил декабр ойининг учинчи ўн кунлиги биринчи яқшанбасида ўтказиладиган сайловлар илгариги сайловлардан нимаси билан фарқ қилади деган савол пайдо бўлиши мумкин. Маълумки, илгари парламент бир палатали бўлганлиги сабабли 250 та депутатнинг барчаси тўғридан-тўғри фуқаролар томонидан сайланган бўлса, бу сафар қонунчилик палатасига 120 та депутат сайланади. Шўнга боғлиқ равишда Ўзбекистоннинг бугун худудда 250 та эмас, балки 120 та сайлов округи ташкил этилади. Қонуннинг 19-моддасига биноан қонунчилик палатасига ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов кампанисини бошланганлигини сайлов бир кунда ўтказилиши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси эълон қилади. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясига сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, сенаторларни рўйхатга олиш ҳамда агар уларни сайлаш пайтида қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланса, сайловни ҳаққий эмас деб топиш ҳўқуқи берилган.

(Давоми 3-бетда).

### MINNATDORCHILIK MAKTUBI

Ҳурматли Рашиджон Ҳамидович!

Биз, ҳарбий прокуратуранинг истеъфодаги офицерлари Хотира ва кадрлар кўни муносабати билан бизга йўллаган табригингизни самимий қувонч билан қарши олдик.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг қарорига асосан бизга пул мукофоти берилганлиги учун алоҳида миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Қўрсатилган эътибор ва ҳурмат кўнглилларимизга илиқлик бахш этди. Хотира ва кадрлар кўни — миллий байрам. Иккинчи ҳажон уруши кўнларида ўзбекистонлик йигитлар душманга мардларча қаршилик кўрсатишди. Юртимизда ҳеч бир хонадон йўқми, уруш кўнларида бобоси, отаси ёки ака-укаси жангга кетмаган бўлса. Ўзбеклар ўз уйини, номини муҳтожлар билан баҳам кўрди. Халқимиз минглаб ўғлонларини йўқотди. Утганларнинг охираги обод бўлсин.

Биз ҳам сизни ва Бош прокуратура ходимларини ушбу байрам билан самимий муборакбод этамиз. Қонун устворлигини таъминлаш йўлида олий бораётган ишингизга омад тилаймиз.

Истеъфодаги ветеранлар номидан

Ҳарбий прокуратура офицер-ветеранлар кенгашининг раиси, адлия подполковниги  
М.ГИРШФЕЛЬД



2004 YIL — MEHR VA MURUVVAT YILI

— Пансионатимизда 170 дан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари яшайди, — дейди пансионат раҳбари Рустам Бекнозов. — Қарияларимиз учун барча шароитлар муҳайё. Хоналар Европа стандартлари талаби даражасида таъмирланган, зарур мебеллар билан жиҳозланган.

220 ўринга мўлжалланган бу даргоҳ 1968 йили Шароф Рашидов томонидан ташкил этилган. Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган бу пансионат бугунги кунда республикамиздаги унча-мунча дам олиш масканлардан қолишмайди.

— Бу ердагилар нафақат умргузаронлик қилади, балки ўз соғлиқларини ҳам тиклаб боради, — дейди ҳамшира Галина Тихонова. — Улар доимо тиббиёт ходимларининг назоратида. Бу ерда ўнга жин олий маълумотли врач ва 30 нафар ҳамшира хизмат қилади.

— Ҳеч бир камчиликсиз ҳаёт кечираяймиз, — дейди меҳнат фахрийси Фарид Исмоилов. — Бунинг учун ҳукуматимизга минг раҳмат. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинди. Биз қарияларга яна эътибор кучайди.

— Инсон ҳаётда бир умр ўзига ҳамфикр, ҳамдард қидириб яшаркан. Бу даргоҳда яшаётган 60-70 ёшли чол-кампира кўнгли топишиб қолсалар уларнинг никоҳ тўйларини ўтказиб уйлантириб қўямиз, — дейди Рустам ака кулиб. — Яқинда Сергей бобомиз билан Людмила момомиз оила қурмоқчи бўлишганини айтишди. Кичкина тўй қилиб, уларни никоҳлаб қўйдик. Энди бирга яшашаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Инсон кексайганда кўпроқ ширин сўзга маҳтал бўлиб қолар экан, — дейди даволаш бўйича бош директор ўринбосари Турсунбой Мингбоев. — Қўлимиздан келгунча қарияларнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламиз.

Бу даргоҳдан ҳомийларнинг оёғи узилмайдди. «Металл савдо», «Керамзит-бетон», «ОНИКС» корхоналари ҳам бу пансионатга имкон қадар ўз ҳомийлигини қилиб келмоқда.

Қарияларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун бу ерда турли кечалар ўтказилади. Яқинда республика «Тасвирий ойна» ижодий жамоаси пансионатда бўлиб қарияларни юртимизда ижод қилаётган рассомларнинг ижоди билан таништирди.

**Инсон борки, яхши яшасам, элимга нафим тегсин, фарзандларимнинг камолини кўрайин, кексайганда болаларим бағрида, невараларим ёнида кексалик гашитини сурсам, дейди. Афсуски, ҳаммага ҳам бу бахт насиб қилавермас экан. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлганимизда ана шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди.**

# БУ ДАРГОҲДА МЕҲР КЎРДИК

дейишмоқда Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида яшовчи қариялар

Куни кеча эса қахрамон шоиримиз Абдулла Орипов бу ерда т а ш р и ф б у ю р и б, янги шейрларидан қарияларни баҳраманд қилди.

Бир сўз билан айтганда, қариялар ҳаётдан узилиб қолишмаган. Ҳар ҳафта уларнинг ҳузурига янги-янги меҳмонлар ташриф буюриб туришади. Имкон қадар қарияларнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишади.

Биз мақоламизни ҳаётнинг мураккаб ва сирлилиги ҳақидаги сўзлар билан бошлаган эдик. Пойтахтимизда жойлашган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати дарвозасидан чиқаётганимизда ана шу фикрлар яна бир бор жонланди. Ҳаёт ҳар бир инсонни синовдан ўтказиши. Бу даргоҳда яшаётганларнинг тақдир ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин. Бирок, бу юртда ҳеч бир инсон ҳукуматимиз ва саҳий одамларнинг мурувватидан бебаҳра қолмайди. Чунки, меҳр-мурувват кўрсатилган юртдан кут-барака аримайди.



З.МАМАДАЛИЕВ, Х.УЗОҚОВ, «Ниқид» мухбирлари

*Ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳаммиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.*

Ислам КАРИМОВ

## МЕҲР-МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳар бир даврда кекса, ногирон, бева-бечора, етим-есирларга, кўнгли ўқсикаларга меҳр-мурувват кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланган. Муҳтожларга ғамхўр, дардқаш бўлиш ўзбек халқининг жисму жонига, руҳиятига сингиб кетган.

Аслида инсон дунёдаги жами мавжудотларнинг сарвари ҳисобланади. Шу боис кейинги йилларда инсонпарварлик гоҳларининг ривожланиши натижасида инсонга, айниқса бошқалардан заифроқ, кўнгли ғариб бўлган кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш қатор давлатларда олиб борилаётган сиёсатнинг эътиборли жиҳати айта олиб бормоқда.

Айнан шу соҳада дунёвий стандартлар яратилди, соҳанинг халқаро-ҳуқуқий асослари юзага кела бошлади. Хусусан, БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги пакти ва бир қатор халқаро конвенциялари келтириб ўтиш мумкин. Шу асосда бугун мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами давлатимизнинг алоҳида ҳимоясига олинган.

Ҳужжатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1999 йил 7 декабрда ҳукумат-

нинг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чоратadbirlar дастури тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 25 январда Ўзбекистон Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, 2002 йил 25 январда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чоратadbirlar тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинган.

Яна рақамларга эътибор берилса, давлат бюджети харажатларидан 45-50 фоизга яқини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилади. Қонун ҳужжатларида аҳолининг 14 тоифаси-

га 16 турдаги пенсия ва имтиёзларни бериш кўзда тутилган.

Фуқароларнинг ногиронлик пенсияси билан таъминланиши ҳуқуқий асосда мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон Конституциясининг 39-моддаси, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 3-боб, 15-18-моддалари, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши чинакам одил жамиятга ҳосидир.

Ногирон кишининг жисмоний ёки ақлий нуқсон мавжуд бўлганиги боис унинг турмуш фаолияти чекланади. Аммо улар ҳам биз каби инсон. Қалбларидега эзгу ният, орзу-умидлар мужассам. Ана шу орзуларнинг рўёбга чиқишига уларнинг атрофдагилар, биз — тўрт мучаси соғ инсонлар ёрдам беришимиз керак бўлади. Ахир ҳазрат Алишер Навоий:

*«Камки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай, Очча борким, Катба вайрон бўлса обод айлағай»*

дея бежиз айтиб ўтмаган. Бировага ёрдам бериш дунёдаги энг улуг ва боқий қадриятдир. Шу истак ҳар биримизнинг кўнглимизда жўш урса нур устига нур бўлар эди.

Матлуба ҲОШИМОВА,  
Тошкент юридик коллежи  
ўқитувчиси

# БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши борисида ҳам қонун талаблари биров ўзгарган. Қонуннинг 2-моддасида айтилишича, «Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камиде беш йилдан бери Ўзбекистон ҳудудида муким яшаётган фуқаролар қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар». Илгарилари судланган фуқаролар умуман сайланиш ҳуқуқига эга бўлмас эди. Энди эса фақат содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинмайдилар. Тўғри, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озоқликдан маҳрум этилиб, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва улар сайловда ҳам иштирок этмайди. Бу энди бутун жаҳонда бўлган каби табиий бир ҳолдир. Илгари сайловни ўтган деб ҳисоблаш учун унда рўйхатга олинган фуқароларнинг тенг эриши иштирок этган бўлиши шарт эди. Энди эса бунинг учун сайловчиларнинг 33 фоизи сайловда қатнашиши талаб этилади. Юқорида биз сенат аъзоларини сайлаш тартиби қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш билан мунча фарқ қилишини айтиб ўтгандик. Ушанга қўшимча равишда яна шуни айтиш керакки, ҳар бир вилоятдан, жумладан, Қорақалпоғистондан ҳам олти нафардан сенат аъзоси сайланади. Айтилиши лозим бўлган асосий гаплардан яна бири шуки, илгари ҳокимият вакилли органлари ҳам Олий Мажлисга, ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эди. Энди эса ҳокимият вакилли органлари парламент ва маҳаллий кенгашларга депутатликка номзод кўрсатмайди. Бу ҳолат партияларнинг ролини янада оширишга, кўппартиялиқни ривожлантиришга қаратилган. Сийёсий партиялар фақат сенаторлар сайловида эмас, балки барча ҳудудлардаги давлат ҳокимияти вакилли органлари депутатларини сайлашда ҳам фаол иштирок этадилар. Марказий сайлов комиссияси эса уларга сайловда иштирок этиш учун тенг шарт оғаб беради.

Гап сийёсий партияларга бориб тақалгани боис, шуни айтиб ўтиш лозимки, партияларнинг сайлов округларидан кўрсатадиган номзодлари сонини бир хил бўлмайди. Статистика маълумотларига қараганда ўтган сайловда 250 та округ сайлов комиссияси ва 7723 та участка сайлов комиссияси тузилиб, сийёсий партиялар, ҳокимият вакилли органлари ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган 1010 нафар номзод сайлов бюллетенларига киритилган экан. Бу йилги сайловларда 120 та сайлов округи тузилиши, ҳокимият вакилли органлари депутатликка номзод кўрсатмаслигини инобатга оладиган бўлсак, номзодлар сонини бир мунча кам бўлиши мумкин. Айтилайлик, 5 та сийёсий партия ҳар бир округдан биттадан номзод кўрсатадиган бўлса, 600 та номзод кўрсатилади. Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам 120 та номзод кўрсатса, умумий рақам 720 тани ташкил этади. Бу номзодлар ичидан фақат 120 таси қонунчилик палатасига сайланади. Вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ҳам қонунчилик палатасига сайлов билан бир кунда бўлиб ўтади. Сўнгра кенгашларга сайланган депутатлар бир ой ичиде ўз ичларидан сенат аъзоларини сайлашни ҳисобга оладиган бўлсак, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан, яъни 14 та субъектдан 84 та депутат сенат аъзолигига сайланади. «Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддасига кўра, «Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президентини томонидан тайинланади. Сенатнинг ваколат муддати беш йил».

Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 1-8-бобларида қонунчилик палатасига сайлов тўғрисидаги қоидалар, 50-62-моддаларида сенатни шакллантириш тартиби, 63-65-моддаларда яқунловчи қоидалар батафсил баён қилиб берилганлиги сабабли уларнинг қўл жойларини ушбу мақолада тақдорлаб ўтирмадим. Зеро қизққан ўқувчи қонунга бир кўз югуртириб, ўзи излаган қўллаб-қувватларга жавоб топиши мумкин. Мен эса парламентимизнинг тараққий этган Европа мамлакатларидаги сингари икки палатали бўлаётганидан, сайлов қонунларига киритилган янгилардан, мамлакатимизда демократия барқ уриб ривожланиб бораётганидан илҳомланиб, кўнглимда тугилган туйғуларни қозғашга туширдим, ҳолос.

Игорь КУДРЯВЦЕВ,  
ТДЮИ Давлат ва ҳуқуқ назарияси  
кафедраси катта ўқитувчиси



QAROR VA IJRO

Мамлакатимизда ёшларга гамхўрлик қилиш, таълим-тарбия бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР

МАҲАЛЛАДА ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНМОҚДА?

— Гулнота Абдусатторовна, вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида бевосита уларнинг жойларида таълим-тарбия ишларини ташкил қилишга доир ҳукумат қарорлари қандай бажарилмоқда?

— Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан 2002 йил июл ойидан бошлаб маҳалла фуқаролар йиғинларининг штат таркибига ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар лавозими киритилган.

Лекин шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш давомида юқорида тасвирланган қарорлар ва Низом талаблари кўп ҳолда бузилаётганлиги маълум бўлди.

Наманган шаҳрида 79 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, низом талабига кўра шунча олий маълумотли педагог фаолият кўрсатиши лозим. Амалда эса, бор-йўғи 30 нафар олий маълумотли педагог-тарбиячи ишлаб келмоқда.

— Педагог-тарбиячиларни лавозимга танлаш, тайинлаш ва тайёрлаш тўғрисида қўйилмаган маҳалла ёшлари ўртасида нафақат ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил қилишда, балки ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, шундай эмасми?

— Албатта, педагог-тарбиячилар лавозимига танлаш ва жой-жойига қўйишда Меҳнат кодексининг талаблари бузилган. Педагог-тарбиячилар лавозимига тайинланган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилмаган.

Бундай ўзибўларчилик, бошбошдоқлик нафақат таълим-тарбия ишларида, балки вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг ортб боришига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Шунинг учун айрим кишиларнинг меҳнат қўнчилигига зид равишда ўриндошлик асосида педагог-тарбиячи шарт бирликларида ишлаётганликлари ҳолатлари юзасидан шаҳар халқ таълими бўлими мудирини номига ва МФЙ раисларини номига таъжирнома қилиб киритилди.

Жунда шаҳар прокуратурасида «Маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолиятини ташкил этиш» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбир иштирокчилари шаҳардаги «Ишчи» МФЙга ташриф бўюришида ва у ерда ташкил этилган педагог-тарбиячи хонасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Семинар қатнашчиларига барча МФЙларда мана шундай хоналарни ташкил этиш тавсия этилди.

Сухбатдош А.МАДАТОВ, «Нуқуқ» муҳбири

«НУҚУҚ» ИЙ
маслаҳатхона
E-mail: Info@huquq.uz
133-26-62, 133-98-82

ISH HAQIM NIMA BO'LADI?

Мен механизацияланган жамланмада 5-разрядли электрик бўлиб ишлаганман. Иш ҳақим юқори эди. Лекин 1970-1976 йилларда иш ҳақим ҳақидаги маълумотим олмадим.

Valijon MIRZALIYEV, Chust tumani Axcha qishlog'i

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинмаган ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса, нафақа миқдори иш стажини учун энг кам ойлик иш ҳақида қараб ҳисоблаб чиқилади.

Гиланишича, иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ҳодимларнинг пенсияларини ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бўлмаса, нафақа миқдори иш стажини учун энг кам ойлик иш ҳақида қараб ҳисоблаб чиқилади.

IMTIYOZ BERILADIMI?

Мен Фарғона Давлат университетининг инглиз тили факультетини, ҳамкасбим Чўянова Гулбахор эса биология-география факультетини тамомаганман.

O. QUDRATOVA, G. CHO'YANOVA, Oltiriq tumani Yangiirab qishlog'i

2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар буйича имтиёзлар ўрнига жорий этилган компенсация тўловлари хусусидаги Президент фармонида компенсация барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчи, директор, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар буйича ўринбосарлари, тарбиячи, концертмейстер ва бошқа ходимларида берилиши айтилган бўлса-да, кутубхоначилар мазкур тоифага киритиши назарда тутилмаган.

Мен бир ўртоғимга 2002 йилнинг март ойида қарз берган эдим. Ҳар ҳўтимолга қақариш унда шунча миқдорда қарз олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб олганман. Келишув буйича у пулни бир йил ичиде қақтариши керак эди.

Zafar TUROPOV, Bekobod tumani

Ҳақиқатан ҳам Фуқаролик процессуал кодексидаги киритилган қўшимчаларга кўра, судларда буйруқ тартибиде иш юритиш жорий қилинди. Бироқ, қарз суммасини қақтари олиш учун судга мурожаат этилганда, аввало талаб-нинг нотариал тасдиқланган ёзма битимга асосланганлиги ва жавобгар томонидан тан олинганлиги текшириб қурилади.

HADYA TEKINMI YOKI PULLI?

Менинг бир жақним Тошкент Давлат авиация институтига ўқишга кирмоқчи. Аввал Тошкентда ишлаган пайтимида икки хонали уй олиб қўйган эдим. Мана, тўрт йилдирки, унда умуман фойдаланганим йўқ.

N. RAJAPOV, Farg'ona shahri

Солиқ кодексининг 58-моддасига кўра, ҳады қилиш натижасида олинган суммалар ва мол-мулкқий-матига солиқ солинади. Ҳадяни расмийлаштириш учун эса нотариал идорага мурожаат этиш лозим.

Солиқ солиш — юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонун олдиде тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдиде тенглик асосида амалга оширилади.

(Солиқ кодексининг 4-моддасидан)

QO'SHIMCHA QIYMAT SOLIG'I SOLINADIMI?

Мен шу йилнинг феврал ойида улғуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ниътида фирма ташкил этган эдим. Лекин таншларимнинг айтишича, товар реализациясида олинган даромадга солиқ солиши билан бирга реализация учун қўшимча қиймат солиғи ҳам ҳисобланар экан.

Sh. TO'RAYEV, Andijon viloyati

Солиқ кодексининг 71-моддасига мувофиқ, фаолиятнинг товарларни реализация қилишга доир қисмида китоблар, мактаб ўқув ашёлари ва кўргазмели курулларни, дори-дармон ва тиббий буюмларни улғуржи реализация қилиш назарда тутилган фаолият амалга оширилган тақдирда қўшилган қиймат солиғи олинмайди.

KIMLAR KREDIT OLISHI MUMKIN?

Менинг учта фарзандим бор. Яқиндан иккитаси ўрта мактабни тамомлайди. Ихсаласи ҳам олий ўқув юртига кириш истасида. Ҳисоблаб кўрсанг, агар фарзандларим контракт асосида ўқишга кирадиган бўлса, фақат биттасига контракт пулини амаллаб ўқилиши мумкин экан.

R. RUSTAMOV, Bekobod tumani

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 2001 йил 26 июл кунги қарори ўқув юртларига қабул қилинган Ўзбекистон фуқароларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига таълим кредити бериш тартибини белгилайди.

— чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда болаликдан 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари учун — фозисиз таълим кредити бериш; — кам таъминланган оилалардан чиққан талабалар учун — кредит учун қўшилган фозис суммасининг 50 фозисини Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланган ҳолда имтиёзли кредит бериш белгиланган.



**КРИМИЛ**



Ушбу қилмиш ҳамма вақт барча давлатларда оғир жиноят ҳисобланиб, шунга яраша қаттиқ жазоланиб келинган. XII асрда Англияда қирол Генрих I нинг қарорига биноан пул қалбакилаштирувчиларнинг ўн кўли ва жинсий аъзоси чопиб ташланган. Россияда Пётр I даврида «пул ясовчилар»га ўлим жазоси тайинланган. Уларнинг томоқларига кўрғошин қуйишган ва бошларини танидан жудо қилишган. Улар ҳақида маълумот етказганлар муқофотланганлар. Даврлар ўзгариб, жазолар ҳам юмшади. Екатерина II ҳукмронлиги пайтида қалбаки пул чиқарганларга ўлим жазоси тайинлангани билан Пётр I давридагидай шафқатсиз эмасди. 1794 йилнинг кузида денгиз батальонининг собиқ капитани Фрейденберг ва собиқ хоржий ҳарбий хизматчи барон Гумперхт қалбаки ассигнациялар чиқаришда айбланиб, ҳарбий ва дворянлик унвонларидан маҳрум қилинганлар. Шундан сўнг Петербургдаги майдонлардан бирда жиноятчиларнинг кўлларига «ўғри ва қалбаки ассигнация ясовчи» деган сўзларнинг бош ҳарфлари туширилган тамга босилиб, Нерчинска каторга ишларига жўнатилганлар.

Бироқ жиноятчиларни қаттиқ-қўллик билан жазолайдиган монархларнинг ўзлари ҳам пуллари қалбакилаштириш билан шугулланиб турардилар. Пруссия қироли буюк Фридрих II иқтисодий диверсия мақсадида биринчи бўлиб пулни қалбакилаштирган. Ушунда, XVIII асрнинг ўрталарида Пруссия Саксония билан урушайётган эди. У босиб олинган ҳудудда сифати паст (таркибида кумуш жуда кам бўлган), урушдан аввалги сана босилган кумуш тангаларни муомалага киритади. Шу орқали маккор қирол ўз кўшинини маош билан таъминлашни режалаштиради.

Шу каби молиявий операциядан император Наполеон Бонапарт ҳам фойдаланган. Унинг буйруғига асосан Парижнинг чеккасидаги ҳудудда Вена банкнинг банкнотларини қалбакилаштирувчи фабрика ишга туширилган. Бироқ Наполеоннинг Австрия императорининг қизи Мария-Луизага уйланиши сабабли фабрика дарҳол ёпилган. Аммо фабриканинг тўхтаб туриши кўпга чўзилмади. 1812 йили уруш арафасида фабрика бор қуввати билан Россиянинг 25 ва 50 рубл қийматидаги пуллари босишни бошлади. Французлар пулни ҳақиқийсига ўхшатишга қанча ҳаракат қилишмасин, айрим камчиликлар бор эди. Баъзи банкнотлардаги «государственная» ва «ходячий» сўзларидаги «д» ҳарфининг ўрнига «л» ҳарфи босилган эди. Урушдан сўнг қалбаки купюралар йиғиб олингандан сўнг уларнинг умумий қиймати 70 миллион рублни ташкил қилди.

Пулларни қалбакилаштириш XX асрга келиб янада ривожланиб кетди. 1939 йили Англия ва Франция Германияга уруш эълон қилгандан сўнг немис сиёсий арбобларидан империя банкининг президенти Я.Шахт, эсас обсергруппенфюрери Р.Гейдлиц ва эсас группенфюрери В.Шелленберг иқтисодий диверсияга бел боғлашди. Берлин яқинидаги фабрикада қалбаки пул ясовчи фабрика ишга тушди. Пул



Нақш элементи

# ПУЛНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ:

## КЕЧА ВА БУГУН

қопиллари хавфсизлик хизмати-нинг қалбаки ҳужжатлар билан шугулланувчи лабораториясида тайёрланди. Ишни бошлашга фақат қоғоз муаммоси тўқсинлик қилиб турди. Охир-оқибат Англия купюраларининг қоғози таркибида турк зигироясининг толалари борлиги аниқланди. Шундан сўнг «Аугуст Петрик» деган немис босмахонасидан қалбаки фунт-стерлинглар чиқарила бошланди. Энди қалбаки нусхаларнинг сифатини аниқлаш керак эди. Бунинг учун Швейцарияга курьер юборилиб, бу ҳақда у ерлик чегарақўллага шубҳали шахс ҳақида маълумот берилди. Курьернинг юки текширилганда ҳеч қандай шубҳали нарса топилмади. Пуллар Швейцарияга етиб борганида Базел банкига қалбаки инглиз купюралари ҳақида хабар берилди. Швейцариядагилар ваҳимага тушишди, лекин қалбаки пуллар аниқланмади. Сифат ўзини оқлади. Яхши ташкиллаштирилган операция 1941 йилда Германия СССРга ҳужум бошлагандан сўнг тўхта-тилди. «Учинчи рейх»нинг хавфсизлик хизмати учун совет пуллари керак эди. Бунинг учун зарур нарсалар йиғилгандан сўнг «Аугуст Петрик» рублларни босишга ўтди.

1942 йилда Бухенвалд концлагеридаги махбуслар орасидан йигирма уч нафар рассом, аяқош ва топограф танлаб олинди. Заксенхаузендаги лагерга олиб ўтилди. Кейин у ерда ишга тушган устaxonада тарихдаги энг кенг кўламли қалбаки пул, яъни Англия фунт-стерлингларини чиқариш бошланди. Устaxonага бошлиқ қилиб эсас штурмбанфюрери Бернгард Крюгер тайинланди. Устaxonа ҳам унинг номини олди. 1945 йилнинг бошларигача мазкур устaxonада 134.610.000 қалбаки фунт-стерлинг босилди. Устaxonанинг «махсулот»ини фақат юқори маалаки мутахассисгина аниқлай оларди. Мажбурланган ишчилар жонларини жабборга бериб тер тўқардилар. Аммо шунга қарамай қалбаки пуллар-

нинг сифатини ёмонлаш ва купюраларнинг тартиб рақамларини ёзиб олиш имконини кўлдан чиқаришмасди. 1944 йилда АҚШ долларларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. 1945 йилда 100 долларлик купюралардан 6000 доллар босиб чиқарилди. 1945 йилнинг бошларида концлагерга иттифоқчи кўшинлар яқинлашиб қолгани сабабли устaxonа ва ишчиларни кўчиришга тўғри келди. Уруш сўнгиде устaxonанинг

Америка долларлари муомалага кирганидан бери канадалик Реал Дюпон ва Жозеф Багдасарян энг йирик қалбакилаштирувчилар ҳисобланади. Дюпон ва унинг уч укаси 112 миллион долларни ишлаб чиқиб муомалага киритишга улгуришган. Багдасарян ва унинг оила аъзолари «иш»ни Дюпонлар сингари йўлга қўя олмаган бўлсалар-да, 15 миллион қалбаки долларни босиб чиқариб муомалага киритишган. Пуллари Багдасарян Монреал тоғларида жойлашган устaxonа-сида босиб чиқарарди. Ушбу жинояти учун Жозеф анча юмшоқ жазо олди, яъни тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Россияга назар соладиган бўлсак, у ердаги энг омадли қалбаки пул чиқарувчилардан бири Виктор Барановдир. 1970-йилларда ўрта маълумли, ёши ўттизларга бориб қолган бу шахс полиграфия билан қизиқиб қолади. Шунинг орқасидан бир неча марта ўз хисобидан Москвага бориб у ердаги кутубхоналарда кўнлаб ўтиради. Бир неча йиллар давомида у зарур бўёқ ва қоғозларни топиш ҳамда сифатли қолип тайёрлаш билан машғул бўлди. Эски омборхонасида ишга

нинг тобора ўсиб бораётган сифати туфайли бугунги кунга келиб 10-15 даққа ичида ҳақиқийдан деярли ажратиб бўлмайдиган қалбаки пулни чиқариш мумкин. Шунга асосан кўпчилик энгил бойлик орттиришга берилади. Бироқ бу фойдасиз иш. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Жиноят кодексининг 176-моддасига асосан қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акция маркарлар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уш ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивиб томонидан; кўп миқдорда; бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар ўша ҳаракатлар: жуда кўп миқдорда; уюшган гуруҳ томонида ёки унинг манфаатини кўзлаб содир этилган бўлса ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Айтиш жоизки, мазкур жиноят ақсарият ҳолларда бир гуруҳ

шахслар томонидан амалга оширилади. Бирлари купюраларни босиб чиқарса, бошқалари уни ўтказди. Одатда жиноятчилар кўлга олинганига қадар ўнлаб купюраларни ўтказишга улгуриш-ади. Кўриб турганингиздай бу жиноятдан олиннадиган даромад катта эмас.

АҚШ долларларининг қиймати бошқа пул бирликларидан каттароқ бўлгани сабабли ушбу банкнотларни қалбакилаштиришга кўпроқ ҳаракат қилинади. Шунга асосан долларнинг ҳимоя белгиларининг сифати тобора яхшилаб боришмоқда. Айниқса 100 ва 50 долларлик купюралар бошқаларига нисбатан анча яхши ҳимояланган. Сабаби, бошқа банкнотлар камдан-кам ҳолларда қалбакилаштирилади. Пулни қалбакилаштирувчиларнинг тузоғига тушганлар кўплаб учрайди. Машинасини бозорда 9000 қалбаки АҚШ долларига сотиб келган кишининг кейинги аҳолининг кўз олдигизга келтириб кўринг.

Баъзан пулни қалбакилаштирувчилар кулгили ҳаракатларни амалга оширишади. Ксерокопия машинасида оддий қоғозга пулдан нусха кўчириб, уни қайчида кесиб олган (қалбаки пулнинг биронта тарафи ҳам текис кесилмаган) «уддабурон» нимани кўзлаб ҳаракат қилганини тушуниш қийин. Бундай «сифат»ли қалбаки пулни тунда чироксиз ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу инсонни ҳазиллаш дейиш мумкин эди, бироқ у қалбаки пулига дўқондан арқот сотиб олмақчи бўлганида қўлга олинган. Бироқ яна бир нарсас. Мана шундай қалбаки пуллар ҳеч қандай муаммосиз ўтказиб юборилган ҳолатлари ҳам бўлган. Россиянинг чекка қишлоқларидан бирда маҳаллий йигитлар ксерокопия аппаратини топиб олиб, ундан 100 рублик пул нусхаларини кўчиришди. Оқ-қора рангдаги қалбаки пулларга ҳақиқийлик қийфасини бериш мақсадида жигарнинг қалам билан бўяб чиқиб кечурун маҳаллий дўқондан беш литр пиво харид қилишадди. Омадли жентелменлар қайтинми олишни ҳам унутишмайди. Эрталаб қалбаки пуллар аниқлангандан сўнг милицияга хабар берилган.

Жаҳонгир МАКСУМОВ тайёрлади



барча ускуналари яшиқларга жойланиб Теллиц кўлига чўктириб юборилди. «Бернгард» махсулотли, яъни қалбаки пуллар турли мақсадда ишлатилган. 1942 йилда Англиянинг Туркиядаги элчисининг шахсий хизматкори Э.Базна немис элчихонаси ходими билан тил бириктириб ўз хизматини тақлиф қилди. Базна бир неча марта махфий сейфдан ҳужжатларни олиб, улардан нусха кўчириб олади. Ҳужжатларни олган хавфсизлик хизмати уларга унчалик эътибор қаратмади, лекин хизмати учун Базнага 300.000 қалбаки фунт-стерлинг тўлади. Урушдан сўнг у пуллари шахсий ҳисоб рақамига қўймоқчи бўлганида банк ходимлари уларнинг қалбакилигини аниқлашди.

ган инсонга қалбаки пулни ўтказмоқчи бўлганида қўлга олинган ва 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Россия Ички ишлари вазирлигининг музейида унинг учун алоҳида бўлим очилган. Ҳозирги кунда унинг қалбаки пуллари сингари юқори сифатли махсулотни учратиш қийин. Мусодара қилинаётган қалбаки пулларнинг 90 фоизини пулнинг оддий нусхаси дейиш мумкин. Шунга қарамай 90-йиллардан бошлаб пулни қалбакилаштириш жинояти ўсиб бораёпти. Замонавий компьютер ва кўпайтириш технологияларини қурб етган ҳар бир киши сотиб олиши мумкин. Нархлар ҳам аввалгидай катта эмас. Техник воситалари-

